


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иктисодиёт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуидаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи	9

1. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака тадабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ҳамда иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг рақамли иқтисодиёт жараёнларидаги фаолиятларини таъминлаш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, ривожлантириш ва истикболини белгилашни таъминлаш, турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва сугурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг рақамли иқтисодиёт ва молия жараёнларини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва аналитик - таҳлилий хизматлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви, жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимларини ўз ичига олади, шунингдек, тармоқлар ва соҳалар бўйича рақамли иқтисодий фаолиятни рақамли иқтисодиётнинг технологияларини қўллаш орқали ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик шартларини амалга ошириш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ташкил этиш, ахборот хавфсизлиги муаммоларини

аниқлаш, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг рақамли иқтисодиётдаги фаолиятини ишлаб чиқиш ва таъминлаш, рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ташкил этиш жараёнлари;
- рақамли иқтисодиётни таъминлаш ва ривожлантиришдаги ҳодиса ва ҳаракатлар;
- рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг ахборот алмашувини таъминлаш бўйича фаолиятлар;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жараёнлари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, тижорат банклари, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг рақамли иқтисодиётдаги ўзаро муносабатлари;
- турли мулк шаклидаги корхоналар иқтисодий фаолиятини рақамлаштириш ва уларни бошқариш;
- электрон тижорат соҳасидаги корхона/ташкилотларни яратиш ва ривожлантириш усуллари ҳамда воситалари;
- бизнесни бошқаришда ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш жараёнлари;
- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инновацион жараёнлар;
- мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида рақамли технологияларни қўллашдаги ахборот жараёнлари;
- ахборотларни компьютерли қайта ишлашни ташкил этиш восита ва усуллари, ҳамда ҳисоблаш тизимларининг дастурий воситаларини ишлаб чиқиш жараёнлари;
- илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органлар фаолиятини рақамли иқтисодиётга ўтказиш жараёнлари ҳисобланади.

1.2.3. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- иқтисодий ҳисоб-китоб;
- таҳлилий, илмий тадқиқот;
- таъкилий-бошқарув;

1.2.4. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларини бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари бўйича товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини рақамлаштириш ишларини режалаштириш ва бажариш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида рақамли технологияларни жорий этиш ва унинг ҳафсизлигини таъминлаш бўлимларини ташкил этиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган замонавий ахборот коммуникацион ва инновацион технологияларни жорий этиш;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- рақамли иқтисодиёт бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- замонавий дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда ахборотларни қайта ишлашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш;
- ижтимоий-иқтисодий ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборот тизимларида ташкилий-бошқарув қарорларини асослаш;
- рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлган муаммолар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- “Катта ҳажмдаги маълумотлар” (Big data) базасини шакллантириш ва таҳлил қилиш;
- булутли технологиялар, молиявий технологиялар, буюмлар интернет, сунъий интеллект, виртуал воқеълик ва блокчейн технологиялардан фойдалана олиш;
- харажатларни бошқаришни рақамлаштириш;
- амалиётда рақамли иқтисодиётнинг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Иқтисодий ҳисоб-китоб:

- рақамли иқтисодиётни белгиловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- ҳаракатдаги меъёрий-ҳуқуқий базада келтирилган андозали услуб асосида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобини рақамлаштириш;
- турли мулк шаклларида тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти иқтисодий бўлимларини ишлаб чиқиш ва рақамлаштириш;
- давлат ва ҳўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий фаолиятини рақамлаштириш;
- давлат ва шахс ҳамда ҳўжалик фаолияти субъектларининг рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ташкил этиш
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда рақамли моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ҳамда рақамли ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Таҳлилий, илмий тадқиқот фаолияти:

- рақамли иқтисодиётни таъминлаш юзасидан аниқ иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни излаш, тўплаш ва таҳлил қилиш;
- иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топшириққа асосан қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, олинган натижаларни қиёслаш ва асосланган хулосаларга келиш;
- мутахассислик фаолияти соҳасига тегишли тадқиқ этилаётган жараёнлар, ҳодисалар ҳамда объектларни стандарт назарий, рақамли ва эконометрик моделларини тузиш, таҳлил қилиш ва олинган натижаларни қиёслаш;
- замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ҳисоботлар ва ахборотлар шарҳини тайёрлаш;
- статистик кузатишлар, электрон сўровлар, анкета сўровлари ва уларнинг бирламчи натижаларини қайта ишлаш ва хулоса бериш;
- рақамли трансформациянинг ижобий ҳамда салбий оқибатларини аниқлашда иштирок этиш, ишлаб чиқилган дастурий таъминотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- электрон бизнес лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- қабул қилинадиган қарорларни рақамли иқтисодиётга мослаштириш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий-иқтисодий ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборот тизимларида ташкилий-бошқарув қарорларини асослаш;

- ташкилий-бошқарув жараёнида бажарилган ишларни рақамлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- рақамли иқтисодиётни таъминлаш учун ташкил этилган жамоа ва гуруҳларни тезкор равишда бошқариш;

- турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлари ахборот технологиялари хизматларини кўрсатиш бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 60310500 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниш, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- рақамли иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган фавкулотда ижтимоий-иқтисодий вазиятларни прогнозлаш, уларни бартараф этиш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва инновацияларни касбий фаолиятида қўллай билиши;

- иқтисодиётни рақамлаштириш учун ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали юксак марраларга олиб чиқиш йўлида янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши;

- рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун замонавий ахборот тизимлари ва технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқа олиш;

- корхона ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари фаолиятини режалаштириш ва рақамлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- бизнес таҳлиллари учун ахборотларни қайта ишлашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқа олиш;

- замонавий дастурлаш тилларини ўзлаштириш ва корхона/ташкилотлар фаолиятини электрон кўринишда ташкил қила олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларида ва ташкилотларнинг бошқарув жараёнларида рақамли иқтисодиётнинг мавжуд технологияларини қўллай олиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шарномаларни шакллантириш ҳамда электрон тижоратни йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш;

- “Катта ҳажмдаги маълумотлар” (Big data) базасини шакллантириш ва таҳлил қила олиш;

- булутли технологиялар, молиявий технологиялар, буюмлар интернет, сунъий интеллект, виртуал воқеълик ва блокчейн технологиялари асосида макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари асосида бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш ва электрон ҳукуматни самарали йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, рақамли иқтисодиёт, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, ҳуқуқ-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, назорат, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, экспертиза, замонавий ахборот технологиялари, дастурий воситалар, технологиялар, ахборотларни қайта ишлаш, ахборот тизимлари, глобал ахборот ресурс базалари, блокчейн технологиялар, электрон тижорат, мобил тижорат, виртуал олам, электрон бизнес, фикрлаш дизайни, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  К.А. Шарипов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  М. Эсанов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Тошкент молия институти

Ректор  Т. Тешабаев

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникация-
ларини ривожлантириш вазирлиги
Бошқарма бошлиғи


 Ж. Шукуров

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий
тадқиқот маркази

Директор  М. Калонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси ҳузуридаги
Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик
тадқиқотлар институти


Директор  Б. Гайибназаров

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



“Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлар
маркази” ДМ

Директор 

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.